
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*мавзудаги VIII Республика
илмий-назарий анжумани*

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети **Ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси** ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда анъанавий VIII “ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” мавзусида 2015 йил 24 октябрда ўтказилган республика илмий-назарий анжумани материалларидан ташкил топган.

Тўплам материалларидан филолог мутахассислар, она тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистратура ва бакалаврият талабалари фойдаланишлари мумкин.

(Маколаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар)

Тахрир хайъати:

Шарипов Ш.С.	-	Низомий номидаги ТДПУ ректори
Тахиров Ж.О.	-	ТДПУ Илмий ишлар бўйича проректори
Маҳмудов Н.М.	-	ф.ф.д., профессор
Аширбоев С.	-	ф.ф.д., профессор
Лутфуллаева Д.	-	ф.ф.д., профессор
Азимов И.	-	ф.ф.н., доцент
Сапарниёзова М.	-	ф.ф.н., доцент(масъул муҳаррир)
Раҳматов М.	-	ф.ф.н., доцент
Сайидираҳимова Н.	-	ф.ф.н., доцент(илмий котиб)
Аҳмедова Н.	-	ф.ф.н., доцент

Такризчилар:

Усмонова Ш.	-	ф.ф.д., профессор
Маҳкамов Н.	-	ф.ф.н., доцент

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Кенгашининг 2015 йил 26 ноябрдаги №3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тилсиз ҳеч қандай маданият мавжуд бўлмас экан, уни тузилиш жиҳатидан таҳлил қилиш халқнинг турли даврдаги маданиятини ўрганиш имкониятини беради. Онг маданиятнинг тил орқали ифода этилган дастурий ифодаси, унинг тасарруфидаги соҳадир. Шундай экан, инсон маълум тилни турли қатламлар ифодалаган маданият орқали ўзаро мулоқотда, эркинлик фаолиятида ўзлаштира олади.

Кўринадики, тафаккур, тил ва нутқ омиллари ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўринга эга. Уларнинг қай бири асосий вазифани бажариши муҳим эмас, ҳар учала омилнинг ўзаро боғлиқлиги ва инсоннинг олий мавжудот эканлигини баравар кўрсата олиши муҳимроқ, назаримда.

Адабиётлар:

1. Жабборов И. Ўзбек халқ Этнографияси. -Тошкент, 1994.
2. Раҳматуллаев Ш, Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқа Этимологик лугати. II қисм. -Тошкент, 1999.
3. Ziyo.net.
4. МахмудКошғарий. Девону луғотит турк ("Девон"). IV жилд. Индекс луғат. -Тошкент: Фан. 1967.
5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. -Тошкент. 1991.
6. WWW.onatili.uz

Г.ҒАНИЕВА(ТДТУ)

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАҚЛИД СЎЗЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ

Инсон воқеликдаги нафақат маълум предметлар, ходисаларга, балки турли товуш ва кўринишларга ҳам тил орқали «лисоний қиёфа» беради. Тилшуносликда турли товушлар, образ ва кўринишларга нисбатан қўлланувчи бундай сўзлар тақлид сўзлар дейилади. Тақлид сўзлар турли товуш ва кўринишларнинг «лисоний қиёфаси» бўлгани учун ҳам товуш ва кўринишларни юзага келтирган «бажарувчи»га бевосита ишора қилиб туради. Тақлид сўзлар инсон тафаккурида ассоциатив тарзда у билан боғлиқ тушунчаларни юзага келтиради. Масалан, *дук-дук* тақлид сўзи ўзбеклар онгида бу сўз билан ассоциатив боғланган *юрак* сўзини, *шалоп* сўзи эса *сув*, *кўлмак* кабиларни гавдалантиради. Инглиз тилида эса *wa-wa* сўзи инглиз халқи тафаккурида бу товушни ҳосил қилувчи чақалокни гавдалантиради. Ўзбек тилида эса айни шу товушга нисбатан *биг-биг* сўзи ишлатилади. Гарчи товуш ва уни ҳосил қилувчи предметлар бир бўлса ҳам, тил эгаларининг бу товушни ҳар хил идрок этишлари сабабли ҳам улар тилларда турлича «лисоний қиёфа»га эга бўлади. Д.Лутфуллаева ва Л.Бобохоновлар тақлид сўзларнинг турли халқларда фонетик фарқланишини бу туркум сўзларнинг нутқ субъектининг менталитети, дунёқараши ҳамда воқеликка бўлган субъектив муносабати билан алоқадорлигини боғлайдилар[4.28].

Тақлид сўзлар турли тилларда фонетик жиҳатдан фарқланса-да, улар барча тилларда ҳам товуш ёки кўринишларни ҳосил қилган бир турдаги предметларга ишора қилади. Бу ҳолат тақлид сўзларнинг қандай тил эгаси томонидан ҳосил қилинганига қарамай, улар учун умумий белги – товуш ёки кўринишни юзага келтирган «бажарувчи», яъни предметга ишора қилиш белгиси мавжудлигини

кўрсатади. Таклид сўзларга хос бундай ишора белгиси (дейктик белги) прагматик аспектга алоқадор вазифадир. Қуйидаги матнда келтирилган қу-қу-қу кичкириги инсон томонидан айтилган бўлса-да, унинг кишилар онгида бевосита хўрозга ишорани ҳосил қилиши тасвирланган: – *Қу – қу – қу! – дея қичқириб юборди. Одамлар аввалига овоз қаёқдан келганини пайқамай, бир хиллари томга, яна бир хилари дарахтларнинг шохига кўз ташлаб олишди. Капитан иккинчи марта қичқирган эди, даврада гур этиб кулги кўтарилди.* (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»)

Вокеликдаги турли товуш ва кўринишлар тилга трансформация қилинар экан, ҳосил қилинган бирликда тил эгасининг миллий- маданий қарашлари, руҳияти, вокелликка муносабати кабилар ҳам акс этади. Бундан маълум бўладики, таклид сўзлар вокеликнинг шунчаки оддий «нусха»си эмас. Таклид сўзлар вокелик ҳақидаги тасаввурнинг миллий-маданий муносабатлар, руҳий ҳолатлар билан мазмунан бойитилган «нусхаси»дир. Айниқса, бу жараёнда таклид сўзларга тил эгасининг руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда шаклланган субъектив муносабатининг «бириктирилиши» муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, тил эгасининг руҳий ҳолати унинг нуткидан билиниб туради. Бежизга тил инсон руҳиятининг кўзгуси сифатида баҳоланмайди. Тил эгаси ўз нуткида салбий муносабатни ифода этувчи таклид сўзни ижобий муносабатини ифода этишда ҳам қўллаш олади. Қуйидаги матн таҳлилига эътибор қаратамиз: *Унинг тиришиқоқлигини айтиб берсам, ёқангизни ушлайсиз. Кун бўйи тиним йўқ – гимир-гимир. Митти қўллари чарчамаганига ҳайронман.* (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»)

Маълумки, *гимир-гимир* сўзи «сезилар-сезилмас тарздаги қимирлаш, шартани билдиради».[7.447]Аммо матнда бусўз сезиладиган чакқон ҳаракатга нисбатан қўлланиши натижасида нутқ эгасининг ижобий муносабатини акс эттирган.

Матн таҳлилидан маълум бўладики, таклид сўзларнинг сўзловчи субъектив муносабатини ҳам акс эттириши уларни прагматик аспектда тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Д.Лутфуллаева ва Л.Бобохоновлар ўзбек тилидаги айрим таклид сўзларнинг прагматик хусусиятини текшириб, уларнинг қуйидаги вазиятларда прагматик вазифа бажаришини қайд этишади: «... ўзбек тилида таклид сўзлар: а) дейктик (ишоравий) хусусияти асосида нутқда прагматик вазифа бажаради; б) нутқ субъектининг вокелликка баҳо муносабатини ифода этганда прагматик вазифа бажаради; в) нутқий мулоқат жараёнида нутқ субъектининг коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда яширин пропозицияга ишора қилиш вазифаси юклатилганда прагматик вазифа бажаради».[4. 29.]

Ўзбек тилидаги таклид сўзларнинг қайд этилган прагматик вазифалари бошқа тиллардаги таклид сўзлар учун ҳам хос. Бироқ таклид сўзлар тил эгасининг миллий-маданий хусусиятлари, руҳий ҳолати, ёши, коммуникатив нияти билан боғланиши сабабли бу тилларга хос таклид сўзларнинг прагматик маъноларида фаркли жиҳатлар кузатилади. Масалан:

– *Қанақа ит бўлай?*

— Масалан... нима десам экан? Сиз, хўш, айтайлик, қари итсиз, кун бўйи кўчада, дарвоза ёнида ётасиз, ўтган-кетган билан ишингиз йўқ. Ҳамма нарса жонингизга теккан. Фақат сизни тинч қўйишса бас. Лекин ёш болалар сизга кун бермайди: тошми, бақлажондан бўшаган консерва қутисиними отиб туришади. Қани уйғоқмикин, деб жунингиздан тортиб ҳам кўришади. Мана, бир йўловчи беҳосдан этигининг пошнаси билан думингизни босиб олди. Қани айтинг-чи, сиз шунда қандай муомала қиласиз?

Бошимни кўтариб: «Ирррррррр» дейман-да, ётавераман, – дедим шоша-тиша. (Х.Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб»)

Ушбу матнда кўлланган «ирррррррр» таклид сўзини и, р товушлари комплексининг шунчаки вербал ифодаси десак янглишамиз. Бу таклид сўзда товуш эгасининг рухий ҳолати, ижтимоий ҳаётга муносабати, ёш хусусияти кабилар ҳам ўз ифодасини топган. Ёзувчи ушбу таклид сўз орқали товуш эгасига хос мана шу хусусиятларга урғу беришни мақсад қилган. Демак, таклид сўзлар тил эгасининг муайян мақсадини акс эттириши жихатидан ҳам аҳамиятга эга.

Хуллас, таклид сўзларнинг вокелик ва унда кечаётган жараёнларга ишора қилиши белгиси бирламчи бўлиб, бу белгиси асосида уларнинг прагматик вазифаси бевосита юзага чиқади. Таклид сўзлар орқали нутқда субъектив муносабат ёки нутқ эгасининг яширин характердаги кўшимча ахборотининг ифодаланиши эса доимий белги ҳисобланмайди. Таклид сўзларга хос бу прагматик белгилар тил эгасининг коммуникатив мақсади асосида нутқда реаллашади.

Адабиётлар:

1. Беляева И. В. Прагматическое содержание количественной оценки: Дис. ... канд. филол. наук. - Ростов на Дону, 2005.
2. Кирвалидзе Н.Т. Дейктические средства в системе современного английского языка и их роль в организации текста: Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. - М.: МГЛУ, 1991. - 49 с.
3. Метшиер А.А. Прагматика коммуникативных единиц. - Кишинёв: Штииница, 1990. - 104 с.
4. Д.Лутфуллаева, Л.Бобохонов. Ўзбек тилидаги айрим таклид сўзларнинг нутқий-прагматик хусусияти // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. –Андижон: АДУ, 2010. – Б. 28-29.
5. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. - 26 б.
6. Шерматов А.А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши: Филол.фан.ном. ... дис. - Самарқанд, 2008. – Б. 32.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилд. / Э.Бегматов ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - 2008. - Б.447.

И.ШАЙМАРДАНОВ (ТерДУ)

ЖАМИЯТДА ГЕНДЕР МУАММОСИ

Аёллар ва эркаклар ўртасидаги табиий, биологик ҳамда улардаги ижтимоий-маданий тавсифларнинг специфик йиғиндисини фарқлашга хизмат қилувчи «гендер» тушунчаси XX аср биринчи ярмининг охирида пайдо бўлган бўлиб, моҳиятан икки:

	хусусиятлари.....	147
С.Қурбонова	Тилда шахс хусусиятларининг акс этиши.....	150
Г.Ш. Джуракулова, З.Ш. Журакулова	Халқ дostonларида қахрамон руҳиятининг лирик парчаларда кўрсатилиши.....	152
М.Жамолхoнова, М.Абдуманнобова	Ўзбек тилида истак концептини ифодаловчи бирликлар.....	154
Ғ.С.Вахтиярова	Ўзбекнинг “navoiy” romanida vaqt ma’noli frazemalarning qo’llanilishi.....	157
К.Раимова, Н.Самиқова	Ўзбек тилининг ривожланиш тарихи ва ахамияти.....	159
Г.Ғаниева	Ўзбек тилидаги тақлид сўзларнинг прагматик таҳлили.....	162
И.Шаймарданов	Жамиятда гендер муаммоси.....	164
О.Юсупова	Тўлиқсиз гапларнинг функционал-стилистик хусусиятлари.....	167
В.Аҳмедова	Шароф бошбеков драмаларида монолог ва диалогнинг ўзига хослиги.....	169
А.Сандноманов	Тиббиёт терминларида шаклий ва маъновий муносабатдошлик.....	171
М.Жуманова	Ўзбек тили истиқлол даврида.....	174
Г.Жўрабоева	Гидронимлар таркибида индикаторларнинг қўлланилиши.....	176
Ш.Сиддиқова	Бўлмаган кўчирма гапларнинг нутқ ички кўринишида ифодаланиши.....	178
Ш.Жўраев	Ургут туманидаги икки тиллилик масалаларига доир.....	181
Ю.Ҳожиев	Феълларнинг факультатив маъно компонентига юксалган прагматик вазифаси.....	183
Ш.Махмараймова, М.Исмоилов	Олаб ва одам, инсон ва лисон муносабатларида теоморф метафора.....	185
Н.Вагацова	She’riyatda alliteratsiya.....	188
Ш.Даминова	Тилда эмотивликнинг ифодаланиши ва эмотивлик хусусида.....	189
Г.Эргашева, Н.Ҳалимова	Инсон ташқи аъзоларининг тургун ўхшатиш эталонлари орқали тавсифи.....	191
I.Sovutov	Badiiy matnda monologik nutq va uning ifodalanish xususiyatlari.....	195
R.Zaripov, M.Qurbonova	Bilingvizmning madaniyatlararo muloqotda tutgan o’rni.....	196
A.Eshmuminov	Korpus lingvistikasi xususida.....	199
Р.Қосимова	Шахс номларининг -паз суффикси билан ясалиши.....	200
И.Аҳмаджонов	Феъл актантлари ва синтактик валентлик хақида.....	202